



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 7 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 8 октябрь куни бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Туркменистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шохсупага кўтарилдилар. Икки мамлакат давлат махфиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтидилар.

Азалий қўшни ва қардош бўлган ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Бугун Ўзбекистон — Туркменистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига Ислам Каримов билан Гурбангули Бердимухамедовнинг яқин дўстлиги, бир-бирига ҳурмати ва ишончи муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Туркменистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланган. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик" ордени топширилган.

Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов тор доирадаги музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истикболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Туркменистон раҳбарининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари тарихида муҳим сиёсий воқеа, яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади.

Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига тақлиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш таъминлари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркменистоннинг ташқи сиёсати бетарафлик, тинчликсеварлик, яхши қўшничилик тамойилларига қўйилган.

Ўзбекистон ва Туркменистон қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидладилар. Терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Мамлакатларимиз трансчегаравий дарёлар сувида фойдаланиш борасида ҳам бир хил ёндашувга эга. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иш-тироқида қўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотлари қуриш масалаларига БМТнинг тегишли конвенциялари талабларига тўла риоя қилган ҳолда ёндашиш лозимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Кейинги олти йилда бу кўрсаткич 3 баробар ўсиб, 2014 йил якунига қўра 413 миллион долларни, жорий йилнинг январь-август ойларида 245 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистондан Туркменистонга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл буюмлар ва турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш имконини беради. 2012 йилда имзоланган Ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва уни диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳукуматлараро тадбирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг август ойида Ашхободда ўтказилган Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси йигилиши савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам бўлди.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналишидир. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобил ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Президентимиз Ислам Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган ва тобора кенгайиб бораётган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозғистон — Хитой газ қувири бунинг ёрқин мисолидир.

Музокарада савдо айланимси ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни қўпайтириш, тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий-иқодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуман

нитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. Маданият соҳасида 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакат спортчилари, маданият ва санъат намояндлари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва кўргазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалмоқда. Олимларимиз биргаликда қишлоқ хўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда изланишлар олиб бормоқда.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. "Буюк Ипак йўли" лойиҳаси доирасида ўзаро боғланган саёҳатлар ташкил этилмоқда. Сентябрь ойида Туркманбашо шаҳрида ўтказилган "Сайёҳлик ва саёҳат" халқаро кўргазмаси ва конференциясида мамлакатимиз вакиллари иштирок этди. Қуни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ипак йўлида туризм" XXI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида Туркменистон фирма ва компаниялари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бу борадаги алоқаларни кенгайтириш, биргаликда саёҳатлар ташкил этиш бўйича келишувларга эришди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнтони имзолادилар. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги алоқаларни изчил ривожлантиришга доир катор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиклик, ўзаро англашув ва ҳамжихатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серкитра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Қўннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Гурбангули Бердимухамедов бу майдондаги доимий яшиллик ва мўътадиллик Ўзбекистондаги тинчлик ва фаровонлик, бутун мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорликдан дарак беришини таъкидлади. Туркменистон Президенти Хотира майдони билан ҳам танишди.

Икки давлат раҳбарлари "Бунёдкор" стадионини бориб кўрдилар. Ушбу мажмуанинг кўрку салобати, меъморий ечимини, спортчилар ва томошабинлар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Президентлар пойтахтимизда бунёд этилган "Минор" масжидига ташриф буюрди. Гурбангули Бердимухамедов масжид миллий ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этганини таъкидлади.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Дўстона руҳда ўтган ташриф якунлари мамлакатларимизнинг вақт синовидан ўтган ва изчил ривожланиб бораётган ҳамкорлигига янги суръат бахш этади.

Анвар САМАДОВ,
Ўза мухбири



● Фарғонада куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда коммунал ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Андижонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали иш юритишлари учун янада қулайлик яратиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғида "Болалар китоби" II республика фестивали бўлиб ўтди. "Соғлом ва баркамол авлод юрт келажиги" деб номланган мазкур фестивалда иштирок этиш учун истироҳат боғига юзлаб ёш китобсеварлар ташриф буюрди. Фестиваль муносабати билан ташкил этилган китоблар кўргазмалари уларни ўзига жалб этди.

● Тошкент вилояти Қибрай туманида бўлиб ўтган тадбир "Гийёҳвандлик — умр заволи" деб номланди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташкил этган тадбирда ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар гийёҳвандликнинг нақадар даҳшатли офат экани, у инсон ҳаёти фожиаси бўлибгина қолмай, ёш авлодлар саломатлигига жиддий зарар етказиши ҳақида алоҳида таъкидлашди.



● Гватемалада юз берган қучли ер қўқиси натижасида ҳалок бўлганлар сони 144 кишига етди. Табиий офат оқибатида 124 та уй қалин тупроқ остида тирик қолганларнинг топилишига умид йўқлигини айтишмоқда.

● АҚШлик олимлар томонидан мой ёки суюқликларни шиммайдиган ўзига хос таркибга эга янги қоғоз яратилди. Таъкидлаш кераки, ушбу қоғозни тайёрлаш кўп босқичли ва мураккаб жараён бўлса-да, у катта сарф-харажат талаб этмайди. Нисбатан қисқа муддатда ишлаб чиқариш мумкин бўлган янги турдаги қоғоздан турли соҳаларда, жумладан тиббиёт ва қадоклаш саноатида фойдаланиш мумкин.

● Табиатшунослар Хитойда жаҳонда энг кичик шиллиққуртнинг топишди. 2013 йилда Гуанчи вилоятидаги тепалиқдан текшириш учун олинган ер қатлами ичидан топилган жуда кичик моллюскаларнинг узунлиги 0,5 миллиметрдан ошмайди. Яъни, 10 та шундай митти шиллиққуртларни бемалол игнанинг тешигига жойлаштириш мумкин.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ, 2015 йил 14 октябрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг еттинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисида;

— Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллик якунлари ижроси тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Фармонининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг фаолияти тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги "Республикамиз иқтисодиёти тармоқларини 2015/2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги қўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари

ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жadalлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

— "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси ҳамда 2015 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

— "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Учтепа, Яшнобод ва Чилонзор туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари;

— Тошкент шаҳридаги базис географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида;

— Тошкент шаҳар ҳокимининг ер ажратиш ва ажратилган ер бўлақларини бекор қилиш тўғрисида қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида ва бошқа масалалар.

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

Партия фаоллари, Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда Ватанин севиш, ҳар қачин ерини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, юрт истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилиш ҳар биримиз учун шарафли бурч экани таъкидланди.

Бугун давлатимиз раҳбарининг "Ватан саждагоҳи каби муқаддасдир" деган пурмаъно фикри қалбларимизда акс-садо бериб, ҳар биримиз учун ҳаётини аъмолга айланди. Таълим масканларида ёшларнинг онгу қалби эзгу фазилатлар, Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига садоқат, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат каби инсоний туйғулар билан бойитилмоқда.
(Давоми 2-бетда)

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Миллий матбуот марказида
“Ўзбекэнерго” акциядорлик
жамияти фаолиятини
такомиллаштириш ва истеъмол
қилинаётган электр энергияси
учун ҳисоб-китоблар
интизомини мустаҳкамлаш
борасида қилинаётган ишларга
бағишланган матбуот
анжумани ўтказилди.**

Тадбирда электр энергияси ҳисобини юритишни такомиллаштириш, тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ўндириш бўйича қилинаётган ишлар, истеъмолчиларга яратилаётган имкониятлар ва қулайликлар ҳақида сўз юритилди.

Хозирги кунда “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти томонидан соҳани ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи қувватларни модернизациялаш, замонавий энергия манбаларини табиқ этиш, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, лойиҳа доирасида акциядорлик жамияти томонидан истеъмолчиларга беш миллион донга замонавий электрон ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши кўзда тутилган. Амалга ошириладиган бу ишлар электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, электр энергиясини истеъмолининг аниқ, ишончли ва тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш ҳамда электр энергиясини исрофини камайтириш, истеъмолчиларнинг тўлов интизомини яхшилашга хизмат қилади.

Барча соҳаларда бўлгани қатори энергетика соҳасида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш такомиллаштириб бормоқда. Бу эса электр энергияси ишлаб чиқарувчилари ва ундан фойдаланувчилар учун қўллаб қўлайликларни яратмоқда.

Хусусан, “Электр ҳисобга олиш” дастурий комплексига электр энергиясини истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимнинг интеграциялаштирилиши истеъмолчиларга янги хизматлардан фойдаланиш имконини берибди. Бунда истеъмолчилар энергия ҳақини онлайн режимда тўлаш, пул тушириш кузатиш, бевосита электрон сўровлар ва аризалар жўнатиш имкониятига эга бўлдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Клиринг тизими (МУНИС) орқали электр энергиясини истеъмоли учун тўловларни амалга ошириш тизими ҳам ишга туширилган. Бу тизимни ишга тушириш натижасида пул маблағлари тўлов тизимлари томонидан кун мобайлида реестрлар асосида электр таъминоти корхоналари ҳисоб рақамларига тўғридан-тўғри туширилади.

Тадбир доирасида фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш бўйича замонавий электрон ускуналар ҳам намоиш этилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Абдували СОДИҚОВ



“Ўзэкспомарказ”да 8 октябрь кунин “Beauty Uzbekistan – 2015” халқаро кўргазмаси очилди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар кўмағида ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич амалга ошириладиган ва юксак самаралар бераётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида парфюмерия, косметика ва гигиена товарларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 декабрдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги компанияларни ташкил этиш, мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кучайтириш ва маҳсулот турини кенгайтириш, соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда косметика воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Хорижнинг энг машҳур савдо маркалари остида ишлаб чиқариладиган парфюмерия ва косметика маҳсулотлари ҳам бугун дўконларимиз пештахталарини тўлдириб турибди. Мамлакатимизга четдан кириб келаётган ҳар бир маҳсулот, жумладан, парфюмерия, косметика ва гигиена воситалари жиддий текширувдан ўтказилган ҳолда сертификатлаш асосида сотувга чиқарилиши бу борадаги хавфсизлиги таъминлашда муҳим омили бўлаётди.

Аънавий ўтказиб келинаётган “Beauty Uzbekistan” халқаро кўргазмаси Ўзбекистон гўзаллик саноати саноати ва ютуқларини кенг намоиш этиш, тармоқни янада тараққий

этириш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хориж инвестициясини жалб этиш орқали истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай замин яратмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда даволаш косметикасининг табиий усулларига аҳолининг эътиборини кучайтириш, табиий маҳсулотлар асосида яратилган пардоз маҳсулотларини кўпайтириш, соҳа мутахас-

ГЎЗАЛЛИК САНОАТИ НАМОЙИШИ

сисларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Бу галги форумда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Хиндистон, Индонезия, Франция, Италия, Греция, Венгрия, Россия, Исроил ва бошқа давлатлардан қирқдан ортиқ компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этаётди. Жаҳон гўзаллик саноати мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омили бўлаётган ушбу кўргазма соҳанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларини бир майдонга тўплаб, уларнинг ушбу саноат ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтиришга, соҳада ўзаро ахборот ва тажриба алмашишга хизмат қилмоқда.

– “Beauty Uzbekistan” кўргазмасида мунтазам иштирок этиш асносида мамлакатингизда гўзаллик саноати изчил ривожланаётганига амин бўлдим, – дейди УЗА муҳбирига “Inha Gter” компанияси менежери Жа Бу Янг (Корея Республикаси). – Кўргазмада пардоз маҳсулотлари ва турли хилдаги кремларни намоиш этиялмиз. Ўзбекистон бозори бизда катта қизиқиш уйғотмоқда, чунки бу ерда чет эллик тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қулай шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистоннинг парфюмерия, косметика ва гигиена маҳсулотлари юксак сифати ва рақобатбардорлиги, халқаро андозаларга тўла мослиги би-

лан харидорларга манзур бўлмоқда. Халқаро кўргазмада фаол иштирок этаётган мамлакатимиз корхоналари бу борадаги улкан салоҳиятини намоиш этган ҳолда турфа хилдаги экспозицияларни – юз териси парварishi бўйича воситалар, пардоз ва парфюмерия маҳсулотлари, соч бўёқлари, шампунь ва бальзамлар, совунлар, кремлар, аксессуар ва тақинчоқлар, гигиеник воситалар, соҳада қўлланиладиган асбоб-ускуналар, маҳсул кийимлар ҳамда ўз хизматларини тақлиф этмоқда. Кўргазмада қатнашаётган истиқболли корхоналар сафида мамлакатимизнинг “AB Form Sistem”, “Bitobi Pro”, “Breeze”, “Ece Cosmetics”, “Fabienne Inter Group”, “Jasmin Fito Pharma”, “Le Asante Cosmetics”, “Luxury Aroma”, “Mountain Herbs”, “Zamona Rano” каби фирма ва компаниялари бор. Улар томонидан намоиш этиладиган маҳсулотлар барчиланг эътиборини тортмоқда.

– 2011 йилда ташкил этилган корхонамиз асалдан, ўрик, бодом каби мевалар, кунжут, зайтун мойлари, турли косметик лой ва доривор гиёҳлардан атир совунлар, косметик мойлар ишлаб чиқаради, – дейди “Le Asante Cosmetics” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нодира Бегматова. – Корхонамизда маҳсулот тайёрлашда асосий эътибор унинг табиийлигига қаратилмоқда. Терини қуруқлаштирувчи ва аллергия кўзгачувчи моддалардан холи бундай воситаларга эфир ёғлари ёрдамида ишлов берилиши уларнинг шифобахшлигини ошираётди. Улар мамлакатимиз олимлари яратган технологиялар, белгиланган меъёр ва қоидалар асосида тайёрлангани боис анча харидордир. Айни пайтда олтидан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва уларнинг турини янада кенгайтириш устида иш олиб бормоқдамиз.

Кўргазмада иштирок этаётган Греция, Италия, Франция компаниялари соч ҳамда юз парварishi учун воситалар, бўёқлар, кремлар, Жанубий Корея, Польша, Исроил ишлаб чиқарувчилари турли косметика маҳсулотларини тақдим этмоқда.

– Ҳар йили ўтказилаётган ушбу халқаро кўргазма гўзаллик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан харидорлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига, соҳада ўзаро фикр ва тажриба алмашишга хизмат қилмоқда, – дейди “Farcom” компанияси менежери Луиза Шаропова (Греция). – Мазкур аънавий кўргазмада крем-бўёқлар, шампунь ва бальзамлар каби соч парварishi учун мўлжалланган хилма-хил маҳсулотларни намоиш қилялмиз. Кўргазмада янги ҳамкорлар топиб, истиқболли шартномалар тузиш ниятидамиз.

Ушбу халқаро кўргазма мамлакатимиз ва жаҳон гўзаллик саноатида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни намоиш этиши билан аҳамиятлидир. Бу гўзаллик саноатини янада рақнақ топтириш ва соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш баробарида соҳага оид талаб ва тақлифларни ўрганиш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этиш, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда истиқболли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

НОДИРА МАНЗУРОВА

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК ЁШЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

**Тошкент давлат юридик
университетида Республика
Маънавият тарғибот маркази ҳамда
Миллий ғоя ва мафкура илмий-
амалий маркази ҳамкорлигида
“Мамлакатимизнинг маънавий
юксалишига қарши таҳдидлар ва
уларни бартараф этиш йўллари”
мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш ва янги маъно-мазмун билан бойитиш, ёш авлоднинг маънавий меросимизга ҳурмат руҳида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори ёш авлоднинг миллий қадриятларимизга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан асраш, халқимизнинг эзгу урф-одатларининг муносиб давомчилари этиб қамолга етказиш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Глобаллашув жараёнининг ижобий жиҳатлари – интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келаётгани, замонавий илм-фан ютуқлари тезлик билан тарқалиши эътироф этилаётди. Аммо унинг инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, миллийликка, инсоний фазилатларга таҳдид солаётган, ёшлар онгини бузгунчи ғоялар билан эгаллашга уриниш каби иллатлари хавфи кун сайин ортимоқда.

Жаҳонда воқеа ва ҳодисалар тезкорлик билан ўзгараётган бугунги мураккаб давра ёшлар маънавиятини турли салбий таъсирлардан асраш, уларга тўғри таълим-тарбия бериш, маънавий иммунитетини шакллантиришни тақозо этмоқда. Уларнинг билим ва кўникмалари, масъулиятини ошириш, ҳуқуқий маданияти ва савиясини юксалтириш, воқеликни тўғри таҳлил этишга ўргатиш, теъкорлик, давра руҳи билан ҳамнафаслик каби фазилатларни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис маънавият тарғиботчилари, олимлар, психологлар, фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат соҳаси намояндalари иштирокида учрашув ва суҳбатлар ўтказилиб, маданий-маърифий лойиҳалар ҳаётга кенг татбиқ этилаётди. Бу каби тадбирларда миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида тарғибот олиб боришмоқда.

Давра суҳбатида мутахассислар талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

ВАТАН САҲДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Амалга оширилаётган тизимли ишлар самарасида касб-хунарни, чет тилларни, интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизлар жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга дадил кириб келмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловли платформасида тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни асраб-авайлаш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёналарига чўқур ҳурмат-эҳтиром уйғотиш каби бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида партия фoлoллари, партиянинг “Ёшлар қаноти” томонидан “Тарихдан садо бергучи обод ғўшалар” акцияси доирасида Тошкент шаҳридаги “Оқтепа” тарихий ёдгорлиги, “Хайрoбoд эшон”, “Шайх Хованди Тахур”, Сурхондарёдаги Султон Саодат мажмуаси, Ҳaқим ат-Термизий макбараси, Қирқ қиз меъморий ёдгорлиги, Ёғдудондаги “Хoжa Абдуҳoлиқ Ёғдудoний” каби икки юзга яқин тарихий қадимжоларда ободонлаштириш ишлари олиб бoрилди. Бу каби тадбирлар келажакимиз ворислари тарихий меросимизга, аждодлар хотирасига ҳурмат руҳида тарбия топишида муҳим аҳамият касб этади.

– Халқимизнинг бетакрор моддий ва маънавий бойликлари билан ҳар қанча гурунлансак арзийди, – дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси Юлдуз Сатторова. – Юртимиз ҳудудида 4 мингдан зиёд моддий-маънавий ёдгорлик бўлиб, уларнинг қўлчилиги умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Инсониятни хайратга солиб келадиган мазкур обидаларни, аждодларимизнинг бетакрор меросини асраб-авайлаш, келажак авлодларга бус-бутун етказиш муқаддас бурчдир.

Давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

(ЎЗА)

Мамлакатимиз иқтисодийётининг изчил тараққиётида тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароит таъминлаб бериладигани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Зеро, унда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш учун қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга оид аниқ йўналишлар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида тадбиркорликка оид қонунчилик ва унинг ижросига бағишланган матбуот анжуманида бу борада қилинаётган ишлар таҳлил этилди.

Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Ш.Саидов ва бошқалар ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига 56 фоизга етганини таъкидлади. Соҳага оид қонунчилик такомиллашадигани тадбиркорларга кенг имкониятлар яратаётди. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиби-таомиллари тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, янги тахрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир

изчил чоралар кўрилди. Иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизм яратилди.

Жорий йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш-

изчил чоралар кўрилди. Иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизм яратилди.

Жорий йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш-изчил чоралар кўрилди. Иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизм яратилди.

Адлия вазирлиги мазкур қонун ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирларни амалга ошираётди. Бу борада прокуратура органлари билан ҳамкорликда жойларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга оид ҳолатлар ўрганилмоқ-

да. Жорий йилда ўтказилган ўрганишларда назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятида 150 ноқонуний текшириш ўтказгани, мингдан ортиқ ҳолатда текширишни ўтказиш тартиби бузилгани, қирқдан ортиқ ҳолатда тадбиркорларнинг маблағлари ноқонуний жалб этилгани ва қўллаб ҳолатларда лицензия ва руҳсатнома бериш тартиби-таомилларига риоя этилмагани маълум бўлди. Аниқланган бундай ҳолатлар бўйича қонуний чоралар кўрилди.

Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг бузилиши, ваколатлар доирасидан четга чиқиш, қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилиш ҳолатларини тизимлаштириш учун маълумотларнинг йўлбаз базасини шакллантириш мақсадида идораларaro комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

“Текширишларни рўйхатга олиш китоби”нинг электрон шакли жорий этилгани тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда. Чунки бу тизим ўтказилаётган текширишлар устидан тўлиқ мониторинг ўрнатилган ва унинг қонунийлиги бўйича назоратни таъминлаш имконини бермоқда. Тадбирда ушбу тизимдан фойдаланиш тартиби хусусида ҳам тушунтириш берилди.

Адлия тизимида жорий этилган 1008 рақамли “ишонч телефони” тадбиркорлик субъектларига ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ҳақида зудлик билан мурожаат қилиш имкониятини кенгайтирди. 2015 йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик субъектларидан тўрт юзга яқин мурожаат қабул қилиниб, тегишли тартибда қўриб чиқилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
УЗА муҳбири**

Фармон ва ижро

ҚУЛАЙ ҲУҚУҚИЙ ШАРОИТ ВА РАҒБАТ САМАРАСИ

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Коинот тилсими".
7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
8.00 "Тахлилнома".
8.40 "Жанубий Америка табиати".
9.30 "Рафикалар ва қизлар".
10.10 "Икким".
10.15 "Ватанпарвар".
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
11.50 Икким.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Хидоят сари".
14.45 Миллий сериал: "Хаёт вальси".
15.20 "Бизнес-старт".
15.45 "Икким".
15.55 "Муносабат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачик".
17.30 "Сухбатдош".
17.45 "Бўрилар замини".
18.25 "Имконият".
